

$$L = \sum_{i,j=1}^n a_{ij}(x, t) \frac{\partial^2}{\partial x_i \partial x_j} + \sum_{i=1}^n b_i(x, t) \frac{\partial}{\partial x_i} + c(x, t).$$

Для этого уравнения можно поставить следующую обратную задачу:

**Обратная задача.** Пусть требуется определить пару функций  $u(x, t)$  решение задачи и  $K(x', t)$  ядра из уравнения (1) удовлетворяющее следующим условиям:

$$u|_{t=0} = \varphi(x) \quad (13)$$

$$u(x', 0, t) = g(x', t); \quad x' \in R^{n-1}, 0 \leq t \leq T, g(x', 0) = \varphi(x', 0) \quad (14)$$

где  $R_T^n = \{(x, t) | x = (x', x_n) \in R^n, 0 < t < T, T > 0\}$

Здесь обратная задача для параболического интегро-дифференциального уравнения с интегральным членом типа свертки, где дифференциальный оператор в общем виде.

Обратная задача исследуется при помощи вспомогательной задачи, в которой в дополнительном условии содержится искомая функция.

В сегодняшний день изучения обратных задач считается актуальным, потому что такие задачи имеют свою практическую применимость.

Мы кратко рассмотрели прямые и обратные задачи, поставленные уравнениям математической физики, которых можно внедрить при изучении предмета. Эти внедрения учат обучающего к креативности. Понять суть предмета, его прикладной характер. Сегодняшний день актуален прикладной характер каждого предмета.

### Литература

1. Салоҳиддинов М.С. Математик физика тенгламалари. –Тошкент: “Ўзбекистон”, 2002, 448- б.
2. Романов В.Г. Обратные задачи математической физики. - Москва. “Наука”, 1984, -С.245.
3. Владимиров и др. Сборник задач по уравнениям математической физики. –Москва: “Наука”, 1974, -С. 272.
4. Сабитов К.Б. К теории уравнений смешанного парабола-гиперболического типа со спектральным параметром //Дифференциальные уравнения. 1989, Т. 25 №1. - С.117-126.
5. Дурдиев Д.К., Меражова Ш.Б. О решении обратных задач для уравнения смешанного парабола-гиперболического типа: одномерный случай.// Бухоро давлат университети илмий ахборотномаси, 2015 йил, 2-сон, 2-6-б.
6. Меражова Ш.Б. Обратная задача определения ядра для одного модельного интегро-дифференциального уравнения параболического типа. Порядковый анализ и смежные вопросы математического моделирования: Тезисы докладов XV Международной научной конференции (с. Цей, 15-20 июля 2019 г.) –С.138-139
7. Merajova Sh.B. Matematik fizika tenglamalaridan mashqlar to'plami. –Buxoro: “Ziyo-rizograf” 2007, 56-b.

### РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада математик физика тенгламалари учун тўғри ва тесқари масалаларнинг қўйилиши ва ечиш усуллари таҳлил қилинган. Фан дастурида асосан математик физика тенгламаларига қўйилган тўғри масалаларга эътибор қаратилади. Тесқари масалалар кенг амалий табиққа эга, шу сабабли ушбу тушунча билан талабалар “Хусусий ҳосилати дифференциал тенгламалар”, “Математик физика тенгламалари” фанлари таҳсили давомида танишиб борадилар ва илмий тадқиқот ишларига замин яратилади. Мақолада тўғри ва тесқари масалалар ҳақида фикр юритилиб, бир қанча тўғри ва тесқари масалалар таҳлил қилинган, шунингдек, аралаш типдаги тенглама учун ва свертка типдаги интеграл ҳадли параболик типдаги интегро-дифференциал тенглама учун тесқари масалалар қўйилиши таҳлил қилинган.

### РЕЗЮМЕ

В статье анализируется постановка и решение прямых и обратных задач для уравнения математической физики. В программе предмета в основном изучают прямые задачи, поставленные уравнениям математической физики. Обратные задачи имеют широкое прикладное применение, поэтому с этим понятием студенты должны быть ознакомлены при изучении предметов «Уравнения в частных производных», «Уравнения математической физики» и в дальнейшем могли применять при своей научной деятельности. В статье мы рассказали кратко о прямых и обратных задачах. Сделали анализ нескольких прямых и обратных задач. Приводится постановка обратных задач для уравнения смешанного типа и для интегро-дифференциального уравнения параболического типа с интегральным членом типа свертки, где дифференциальный оператор в общем виде.

### SUMMARY

The article analyzes the formulation and solution of several direct problems and inverse problems for the equations of mathematical physics. In the subject's program, they mainly study the direct problems posed to the equations of mathematical physics. Inverse problems are widely applied, therefore, students should be familiar with this concept when studying subjects: “Partial differential equation”, “Equations of mathematical physics” and in future they can apply them in their scientific activities. In this article we briefly talked about direct and inverse problems and analyzed several direct problems and inverse problems. Also in this paper inverse problems for model equation of mixed parabolic – hyperbolic type are considered. The solutions of these problems are obtained for one-dimensional case in a rectangular domain. So we state the inverse problem for an integro-differential equation of parabolic type with an integral term on convolution type, i.e., inverse problem of determining in one integro-differential equation of parabolic type.

### ТАРБИЯНИНГ БОШҚА ЙЎНАЛИШЛАРИ

#### БИЛАН ЖИСМОНИЙ ТАРБИЯНИНГ БОҒЛИҚЛИГИ ТАМОЙИЛЛАРИ

П.Ш.Мырзамбетов – катта ўқитувчи

Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти

**Таянч сўзлар:** жисмоний тарбия, функционал, спорт, мускуллар, билим, фаолият, ақлий ва жисмоний тарбия, машғулот.

**Ключевые слова:** физическое воспитание, функционал, спорт, мышцы, знания, активность, умственное и физическое воспитание, тренировка.

**Key words:** physical education, functional, sport, muscles, knowledge, activity, mental and physical education, training.

Жисмонан етарли даражадаги ривожланганлик нормал ақлий ривожланишга шароит яратади. Жисмоний билимлар асосчиси П.Ф.Лесгафт кўрсатганидек, ақлий ва жисмоний ривожланиш бир-бири билан узвий боғлиқ. Ақлнинг ўсиши ва ривожланиши ўз навбатида жисмоний ривожланишни тақозо қилади.

Жисмоний тарбиянинг вазифаси шунда муваффақиятли ҳал қилинадики, шуғулланувчилар жисмоний машқларни онгли равишда, тушуниб бажарсалар ёки улар спорт машғулотларига зўр қизиқиш, ўз ташаб-

буслари билан ижодий ёндашсалар, ҳаракат малакаларининг тўғри шаклланишига, организмнинг функционал қобилиятларини ривожлантириш учун умумий махсус билимларга таянган ҳолда олиб борилсагина бўлади.

Жисмоний тарбияда ёки спортда талантни очиш шуғулланувчидан умумий жисмоний ривожланганлик ва тайёрланганлик ҳамда шуғулланаётган соҳа бўйича чуқур малакавий билимларга эга бўлиш, бош мия, мускуллар фаолиятидан фойдаланишда кўр-кўроналикка

йўл қуймаслик оқибатидан келиб чиқади. Машғулотга онгли муносабатда бўлмаслик талантни синишига сабаб бўлади. Энг хавфлиси, шуғулланувчидан бир томонламалилик, фақат спорт билан шуғулланишга одат шаклланади – жамият учун боқимандалар кўпаяди.

Спорт тренировкеси сирларига чиникиш, уни тушуниш шуғулланувчи маҳоратининг ошишига олиб келади. Бунга фақат ҳар томонламалилик орқалигина эришиш мумкин.

Жаҳон рекордларини ўрнатиш, чемпионлик лавозимлари учун курашиш спортчидан юқори савия, чуқур билим ва жисмоний қобилиятни талаб қилади. Бунга эришиш учун эса машаққатли меҳнат, ўткир интеллект соҳиб бўлиш шарт.

Ақлий ва жисмоний тарбиянинг бирлиги, ўзаро боғлиқлиги масаласи табиий-илмий фанлар асосида улуғ рус физиолог И.М.Сеченов ва И.П.Павловнинг илмий тадқиқотлари орқали исботланган, Павлов: “Мен бутун ҳаётим бўйи ақлий ва жисмоний меҳнатни севдим, кўпроқ иккинчисини. Айниқса, мияда пайдо бўлган фикрни ҳал қилиш учун ақлимни қўлим билан боғлаганимда ўзимни жуда яхши ҳис қилар эдим”, – деб ёзган эди.

Демак, жисмоний тарбия ақлий тарбия билан узвий боғлиқ ҳолда амалга оширилар экан.

Жисмоний тарбия жараёнида ўқувчилар ўзаро бири-бири билан ва жамиятнинг бошқа аъзолари билан мулоқотда бўладилар. Жисмоний машқлар билан шуғулланиш учун маълум моддий ва маънавий қимматга эга бўлган анжомлар, жиҳозлардан фойдаланадилар. Спортчиларнинг ўзаро бир-бири билан муносабати, муомаласи ва уни ўраб олган ижтимоий муҳит омилларининг таъсири улар олдига мавжуд жамиятнинг ахлоқий талабларига жавоб бериш муаммосини қўяди.

Мамлакат спортчисининг, физкультурачисининг ахлоқи – бу, миллат вакили, мавжуд жамият кишисининг ахлоқидир. Ўзбек спортчисининг махсус ахлоқ нормалари йўқки, у жамиятнинг оддий аъзоси ахлоқи нормаларидан фарқ қилса. “Спортчининг ахлоқи” деган ахлоқни тузишга уриниш бу – бизнинг Шарқ халқлари ахлоқ нормаларидан узоқлашишга олиб келар эди.

Биз қисқа фикрли, тор ўйли спортчини тайёрламаслигимиз, бакуват, фақат яхши ҳазм қилиш органларига эга бўлганларни эмас, фикрлаш доираси кенг, маънавий бой, киришувчан, яхши ташкилотчи бўла оладиган индивидни тарбиялашни назарда тутмоғимиз лозим. Бу фикрлар айниқса навқирон мамлакатимиз ёшлари учун тааллуқлидир.

Спортчи ва физкультурачи ахлоқий тарбиясининг қатор асосий хусусиятларига, уни жисмоний тарбия жараёнида амалга оширилишига қуйидагича йўналиш ва шакл берилмоқда:

1. Жамиятчилик бурчига ижтимоий муносабатда бўлиш, жамият ишини ўз шахсий иши билан тенг қўйиш, жамият ва давлат ишини паст даражадаги иш деб билмаслик. Ўзининг жисми тарбиясига онгли муносабатда бўлиш. Ватан муҳофафасига доимо тайёр туриш – бу ҳар жамият аъзосининг умумий бурчи деб қаралади.

Спортда бирлик ва умумийлик ягона қонуний хусусиятдир. Ушбу хусусият жамоада гавдаланади. Жамият жисмоний маданияти тарихи миллат ва жамиятнинг кучини ифодалайди.

Мамлакат спортчиси халқора майдондаги ғалабаларнинг ҳал қилувчи омили, ўз халқи, Ватани олдидаги жавобгарлик бурчини ҳис қилиши лозим.

Ғарбнинг профессионал спортчиси эса ўзининг вакилларига “шахсий манфаатингиз жамият манфаатига мос қилиш шарт эмас, ўз ишингизни вужудга келган ҳолатни ҳисобга олиб ҳеч қандай бурч ва принцип билан боғламай ҳал қилинг, деб ўргатади.

2. Жамоат мулкига ижтимоий муносабатда бўлишни жисмоний тарбия дарсида тарбиялаш, шуғулланувчиларни жиҳоз, анжомлар ишлатиладиган иншоотга яхши муносабатда бўлишга ўргатиш, спорт майдонларини талаб даражасида қайта жиҳозлаш ишида жамоатчилик асосида иштирок этишдек ахлоқий нормаларда тарбияланади.

3. Меҳнатга ижтимоий муносабатда бўлиш жамият аъзолари ахлоқ нормаларининг энг асосийсидир. Жисмоний машқлар билан шуғулланиш шуғулланувчиларни меҳнатда, юқори ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишга ва ўзининг ҳар томонлама гармоник ривожланишини амалга ошириш имкониятини яратади.

Спортчидан эса юқори спорт натижасига эришиш, машаққатли ва оғир, чидам билан меҳнат қилишни талаб қилади. Рекордларнигина янгилаш билан чекланмай, ўзида меҳнат жараёни учун керакли ирода, интизом, меҳнат қилишга одатни шакллантиради.

4. Жисмоний маданият жамият қонунчилигига бўйсунганини ўргатади. Гимнастика, ўйинлар, спорт, туризм ва бошқа жисмоний машқ билан шуғулланиш тарбияланувчилардан ўрнатилган қонидани, тартибни қатъийан талаб қилади. Уларни бажара олмаслик спортчини ёки тарбияланувчини мақсаддан узоқлаштиради. Спортчи ҳаётини хавф остида қолдиради. Спорт жараёнида унинг ахлоқий тарбиясининг натижасини кўриб ўтишга кифоя. Масалан, тўп учун курашаётганида ўйинчи тўкнашиб кетди, дейлик. Кимдир айбдор. Қўполликка жавоб қилгингиз келади. Лекин спортчи ахлоқи нормалари ўз-ўзини қўлга олиш ва низоли ҳолатни тинч йўл билан ҳал қилиш учун ахлоқий норма талаблари устун қилини кераклигини тақозо этади.

5. Гуманизм нормаси инсонни ҳурмат қилишга, келажак учун, тинчлик учун курашишга чақирадики, бир-бирини қўллаш, ёрдам бериш, айниқса мусобақалар давомида ўзаро ўртоқлик ёрдами тарзида ифодаланади. Шарқ халқларида ўз рақибларига нисбатан инсонпарварлик руҳи ўта юқори эканлигига тарихдан гувоҳимиз. Демак, мустаҳкам соғломлик ва жисмоний тайёргарлик жамият аъзосининг ахлоқ нормалари ирода сифатларини тарбиялайди.

Жисмоний тарбия жараёнида эстетик тарбиянинг айрим вазифалари ҳал қилинади ва йўлга қўйилади:

1. Муомала эстетикасини тарбиялаш. Гимнастика билан шуғулланиш, спорт ўйинлари, туризм, юқорида баён этилганидек, инсоннинг барча сифат томонларини намоён қилади. Спортчиларнинг юриш-туриши, ҳаётий жараёни ва ташқаридан қараганда ҳавас қилгудек. Чунки унинг асосида Шарқ халқлари ахлоқ нормалари ётади. Ёмон муомала эстетикага зид деб баҳо берилади.

2. Инсон гавдаси шакли (қадди ва қомати)нинг чиройлилигини таъминлаш. Гармоник ривожланган одам танасининг чиройлилиги шундаки, бу чиройлилиқ соғлиқнинг, ҳаётий қобилиятларнинг яхшилиги белгисидир.

Чернишевский: “инсон гўзаллиги ҳақида гапирар эканмиз, унинг таркибий қисми, бизда ажойиб таассурот қолдириш билан намоён бўлади, биз уни тушунамиз”, – деган эди.

В.В. Гориневский эса: “гўзаллик бахтга қарши соғлиқ билан қарама-қаршиликда эмас, носоғлиқ эса, аксинча, нормадан четга чиқиб, гўзаллик тушунчасини бузади”, – деган эди.

3. Гўзалликни қабул қила билиш қобилиятини, спорт техникаси, ҳаракатлар нафислиги ифодасида яширин гўзалликни ҳис қила олишда тарбиялаш ётади. Ҳаракат техникаси гўзаллик, ҳаракат нафосати, унинг мазмунини ифодалашнинг ўзи ҳам гўзал.

Жисмоний тарбия жараёнида фойдаланиладиган ҳаракат фаолияти бир-бири ўхшаш эмас. Лекин уларнинг ҳар бири – югуришнинг чиройлилиги,

Брумелънинг баландликка сакраш, Жаботинскийнинг рекорд оғирликни кўтариш техникаси, Воронин, Диямидовларнинг гимнастика снарядларида “ишлаш маҳорати” – ҳаммаси гўзал.

Футбол майдонидаги ўйинга қараб баҳолаш: “чиройли ўйин бўлди”, “ўйин жуда чиройли чиқди”, “команда ҳужум пайтида тўп билан муомала санъатининг юқориликни кўрсатади” ва ҳоказолар.

Спортда гўзалликни тушуниш кишига ҳузур бахш этади. Спорт курашида гўзалликни, чиройлиликни кўра олсак, бу бизнинг эстетик дидимизнинг, савиямизнинг даражасини намоён қилади.

Боксни эстетик спорт тури эмас, деб баҳолайдилар. Бу мулоҳаза тўғрими? Бу ўйин ўзида рухий, ахлоқий, жисмоний сифатларни ривожлантиради. Яхши боксчи мард, иродали, ботир бўлишига кундалик ҳаётда гувоҳмиз. Дид билан жангни тушуниб, томоша қила олиш сизга эстетик завқ беради.

Эстетик завқ берадиган, уни тарбияладиган, такомиллашган ҳаракат техникасининг автоматлашган даражага кўтарилганлигига қараб юқори малакали спортчилар ҳаракатидан завқланмай иложимиз йўқ. Бундай ҳаракатлар инсон организми имкониятининг чегараланмаганлигидан далолат беради.

Сузувчи ва баскетболчилардан экспериментал гуруҳ тузиб, уларнинг куч орқали бажарадиган машқлари билан ўтказилган машғулотларнинг самарадорлигини кузатмоқчи бўлдик, дейлик. Бунда бизга қайси гуруҳда яхши самарага эришганлигимизни билишига кизик бўлмай, балки бошқа масала: барча баскетболчи ва сузувчиларга (улар бир хил ёшда, бир хил жинсда, бир хил спорт малакасида ва ҳ.к.) машғулотларда куч талаб қиладиган машқларни бериш мақсадга мувофиқми, деган фикр юзага келади. Масалани тадқиқ қилиш ҳам муҳимдир. Чунки куч талаб қилиш машқлари зўриқишни талаб қилади. Зўриқиш эса ҳаракат гўзаллигига путур етказилади. Лекин бу ҳолат шуғулланганлиги юқори бўлган индивидда ўта гўзал, тамошабинни маҳлиё қиладиган ҳаракат даражасида кўзга ташланади.

Жисмоний тарбия назарияси ва амалиётида принципларнинг хилма-хил гуруҳлари мавжуд. Жисмоний тарбия тизимининг умумий ва методик принциплари, жисмоний тарбиянинг айрим кўринишлари хусусиятларини ифодаловчи (масалан, спорт, космонавтлар, ўт ўчирувчи ва ҳоказо)лар тренировкаи принциплари мавжуд.

Улар бир-бири узвий боғлиқ бўлиб, принципларнинг ягона тизимини ташкил этади. Энг аввало, биз жисмоний тарбия назариясининг умумий принциплари билан танишиб чиқайлик. Улар қуйидагилардан иборат:

- а) жисмоний тарбиянинг меҳнат ва ҳарбий амалиёти билан боғлиқлиги;
- б) шахсни ҳар томонлама ривожлантириш;
- в) жисмоний тарбиянинг соғломлаштиришга йўналтирилганлиги принциплари.

Жисмоний тарбия жараёнида назарий принциплар бир томондан, низом вазифасини ўтаса, иккинчи томондан, жисмоний тарбия жараёнида ўқитувчини назарий ва методик жиҳатдан маълум рамка(қолип)га, йўналишга солади. Педагогик жараён ва амалий фаолиятда принцип мажбурият, қонун тарзида аҳамият касб этиши мумкин.

Айрим ҳолатларда: принципга жисмоний тарбия маълум билимларнинг бир қисми, ёки фаолиятга йўриқчи (кўрсатма берувчи) ёки турли хил алоҳида вазифани бажариш учун умумий асос, деб қараймиз.

Бу принцип кишиларни ҳаракат фаолиятига ёки меҳнатга тайёрлашда жисмоний тарбия жараёнининг асосий ижтимоий қонуниятини ва унинг хизмат функциясини ифодалайди. Барча тизимларда бу қонуният ўзининг махсус ифодасини топади. Айрим олимлар гуруҳи физкультура ва спортнинг хизмат функциясига

ҳозирги давр турмушидаги, ҳаётидаги зичликни, тарангликни юмшатишдан иборат деб қарайдилар. Улар ҳозирги замон ишлаб чиқариши механикаси, автоматикаси, индустрияси вужудга келтирган психик ва жисмоний мувозанатни сақлаш учун спортни асосий восита қилиб олмоқчилар.

Физкультура ва спорт жисмоний тарбия жараёнида ҳаёт учун керак бўлган ҳаракат малакаларини тарбиялаш ва ривожлантиришдагина ҳаётий аҳамият касб этиш билан чекланмай ижтимоий ҳаётда ҳам қўлла-нилади.

Тўғри, велосипедда юриш малакаси, граната улоқтириш ва бошқалар айнан амалий ҳаётий аҳамиятга эга. Лекин бу билан жисмоний тарбиянинг ҳаётий зарурияти ҳали айтарли чекланмайди. Мабодо чекланса, биз футбол ва бошқа спорт ўйинлари, гимнастика, штанга билан бажариладиган жисмоний тарбия жараёнидаги энг муҳим машқлар, асосий омиллар, ҳаётий аҳамиятга эга эмас, деган хулосага келишимиз мумкин. Аслида эса бизнинг жисмоний тарбия тизимимиз бу машқларни “ҳаёт учун зарур” деб ўзининг педагогик жараёни таркибидан чиқармайди. Тушунарлики, футболчи меҳнатда ёки мудофаа шароитида кучини тежаб сарфлаб, тўпни аниқ нишонга уришига эҳтиёж йўқ. Меҳнатда ёки мудофаада ундан фойда йўқ. Бироқ футбол ўйини машғулотларида эгалланган чакқонлик, чидамлик, тезкорлик, қисқа вақт ичида ҳал қилувчи қарор қабул қила олиш, дадил, аниқ бажариладиган ҳаракат сифатларини ривожлантиришга эришиш ҳаётий заруриятдир.

Жисмоний тарбиянинг мақсади меҳнатга ва мудофаага тўғридан тўғри йўналтирилсагина, унда тарбия орқали эгалланган малака ва кўникмалар захираси кўп бўлса, киши нотаниш шароитга – ишлаб чиқаришда ва лозим бўлган меҳнат фаолияти ёки ҳаракат техникасини тез эгаллайди.

Маълумки, чакқон, кучли, чидамли, тезкор ва эгилувчан киши янги ҳаракат малакасини эгаллашда қийинчиликка нисбатан кам учрайди. Амалда соғлом бўлса-да, ҳаракат захираси кам бўлса, у киши лозим бўлган ҳаракат техникасини секин ўзлаштиради.

Сузиш, мувозанат сақлаш аппарати (мияча) функциясини яхшилайдиган энг яхши восита деб исботланган. Гимнастика жиҳози – “Конь”даги хилма-хил машқлар вазнсизлик шароитида, парашют билан сакраш, сувости ишларига осон мослаштиради. Ташқи кўринишидан бу машқлар ҳаётий-амалий эмасдек туюлсада, аслида... Яна мисол, маълумки, самолёт ва космик кеманинг учиш тезлиги жуда юқоридир. Уларнинг бошқарувчилари организмада кутилмаганда хилма-хил ўзгаришлар рўй беради – маълум вақт ичида мияга бирдангина қон бормай қолади ёки лозим бўлганидан оз боради. Сабаби, босимнинг юқори ёки камлиги, тезликнинг эса ўта юқорилигидир. Бу таъсирдан тез қутулишни эса яхши ривожланган тана мускулларига удалайди. Тана мускуллари эса жисмоний машқлар билан шуғулланиш орқали ривожлантирилади. Демак, жисмоний тарбия ҳаётий ва зарурий. Вазнсизлик гавдани бошқаришни талаб қилади. Батут, Лопинг ва бошқалардаги машқлар космонавтлар тренировка машғулотларининг асосини ташкил қилади.

Юқори даражада уюштирилган ишлаб чиқариш меҳнати фабрика ишчисидан бир томонлама ривожланишни эмас, ундан универсалликни талаб қилади. У ўз навбатида юқори даражадаги жисмоний тайёргарлик сифатлари ёки кўрсаткичларига эга бўлишликни тақозо этади.

Шунинг учун ҳам меҳнатни уюштиришнинг юқори даражаси такомиллашган меҳнат ишлаб чиқариши “ҳар томонлама ривожланган шахс тарбияси” муаммосининг пайдо бўлишига олиб келиши табиийдир.

Маълумки, мавжуд жамиятда яшайдиган ҳар бир шахс ҳар томонлама ривожланган бўлиши лозим, афсуски, кишилар ўзида рухий, маънавий ва жисмоний сифатларни мужассамлаштирган ҳолда туғилмайдилар.

Бу сифатларнинг камол топиши, ўша ижтимоий шароитга ва мавжуд тарбия тизимида боғлиқ. Жисмоний тарбия эса тарбиянинг бошқа томонлари ичида муҳимларидир.

Ижтимоий муҳит ҳар томонлама гармоник ривожланишни, инсон органлари ва системаларининг биологик ривожини ҳар доим ва ҳар ерда ички талаб тарзида ифодалайди.

Шунинг учун ҳам инсон тарбиясида қўлланиладиган ҳар қандай тарбиянинг турли шакллари жисмоний тарбия жараёни билан иложсиз боғлангандир. Бусиз ҳар томонлама гармоник тарбия амалга ошмайди.

Шахсни ҳар томонлама ривожлантириш принципининг асосий талаблари:

1. Тарбиянинг барча томонларининг бир бутунлигига эришиш. Жисмоний тарбия орқали эришилган

#### Адабиётлар

1. Керимов Ф.А. Спорт кураши назарияси ва усулияти. – Т.: ЎзДЖТИ, 2001. – С. 286.
2. Кузнецов В.В. Специальная силовая подготовка спортсмена высших разрядов. – М.: Физкультура и спорт. 1970. – С. 208.
3. Курьес В.Н. Основы общей теории спорта и системы подготовки спортсмена. – М.: Советская Россия, 1975. – С. 208.
4. Курьес В.Н. Основы силовой подготовки юношей. – М.: Советский спорт. 2004. – С. 264.

РЕЗЮМЕ

Ушбу мақолада жисмоний тарбиянинг бошқа йўналишлари билан боғлиқлиги масалалари тўғрисида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются отношения между физическим воспитанием и другими сферами образования.

SUMMARY

The article discusses the relationship between physical education and other areas of education.

### КАСБИЙ-ТЕХНИКАВИЙ ТАЪЛИМДА КОМПЕТЕНЦИЯВИЙ ЁНДАШУВ

**А.Набиев** – техника фанлари номзоди, профессор

**Ш.Хайдарова** - катта ўқитувчи

Тошкент кимё технология институти

**К.А.Каримов** - техника фанлари доктори, профессор

Тошкент давлат техника университети

**Таянч сўзлар:** компетентлик, компетенциявий ёндашув, дидактика, мустаҳкамлик, бикрилик, устуворлик.

**Ключевые слова:** компетентность, компетентный подход, дидактика, прочность, жёсткость, устойчивость.

**Key words:** competency, competency-based approach, didactics, durability, fixity, stability.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарорида белгиланган кенг қамровли ва ўта долзарб амалий стратегик вазифа-топшириқлар мажмуаси реал иқтисодиёт тармоқлари ва соҳаларида талаб қилинадиган йўналишлар ва ихтисосликлар бўйича маънавий етуқ ва жаҳон андазалари талабларига жавоб бера оладиган малакали, рақобатбардош кадрларни назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимида ўтишни талаб этади [1].

Шу нуқтан назардан қараганда, ҳаёт суръатлари шиддат билан тезлашаётган глобаллашув: юксак технология, ялпи ахборотлашув, иқтисодиётнинг реал тармоқларида рақамлаштириш даврида таълим назарияси ва амалиётида компетенциявий ёндашув ғоят аҳамиятлидир. Мазкур ёндашувнинг концепциал жиҳати шундаки, бунда компетенция таълим олаётганлар мустақил фаолият олиб бораётган пайтлари, масалан, бевосита педагог ёки уста иштирокисиз ёхуд ҳаётга мустақил қадам қўйишнинг дастлабки йилларидаги фаолияти даврида муҳим муҳандислик муаммо ёки масалаларни ҳал этиш жараёнида нечоғли ўзининг шахсий сифатларини амалда кўрсата олиш қобилиятига қаратилади.

Олий таълим тизимида кадрлар тайёрлаш муаммоси билимлар стихияли – пассив равишда “узатилмаслиги”ни, ҳатто юртимизга четдан кириб келган коронавирус пандимеяси оқибатларини бартараф этиш баробарида масофавий таълимни янада кучайтириш, онлайн дарсларини ташкил қилиш

юқори натижанинг ўзи шахснинг ҳар томонлама ривожланганлигини белгилайди, деб бўлмайди. Жисмоний сифатларга қўшиб ақлий, ахлоқий, рухий, эстетик, ва маънавий сифатлар ҳам қўшиб тарбиялансин. Шахс ўшандагина меҳнат ва Ватан химоясига тайёр бўлади. Бунга риоя қилинганда, бизнинг физкультурачиларимиз ҳал қилувчи вақтда, меҳнатда, мунофаада, қонуний демократик давлатни барпо этишдек шарафли ишларда олдинда бўладилар.

2. Ҳар томонлама умумий жисмоний тайёргарликка эга бўлиш. Жамият аъзоларининг барча ишлари аниқ маънодаги мутахассисликка йўналтирилган ҳолда бўлади. Бунга айнқса меҳнат ва ҳарбий фаолият давомида дуч келамиз. У ёки бу фаолиятдаги ютуқ жисмоний тайёргарликка боғлиқ. Жисмоний сифатлар инсонда қанчалик яхши ривожланган, малакалари етарли бўлса, бошқа фаолиятни осон ва тез ўзлаштиради. Жисмоний тайёргарликни йўлга қўйиш учун олиб борилган режали фаолият ҳар томонлама гармоник ривожлантиришнинг омилидир.

сингар долзарб муаммоларни ҳал этишга қаратилган инновацион ечимлар олишни тақозо этмоқда. Аниқроғи, билимлар таълим олувчига тақлиф қилиниши, билимни ўзлаштириш эса таълим берувчи кўмаги ва жараёни мувофиқлаштириб бориши эъзига мустақил таълим доирасида талабалар қобилияти ва қизиқишига онгли таъсир кўрсатиш йўсинида амалга оширилмоқда. Табиийки, бундай ёндашув натижасида касб танлаш ёки эгалланаётган касбга хос мотивлар билан таълимий, яъни ўқув-билув мотивлари уйғунлашуви таъминланади.

Касбий-техникавий таълимда кенг фойдаланилаётган “Компетентлик” ёки “Компетенция” ибораларининг мазмун-моҳиятини бўлажак мутахассис (ҳодим) таълим-тарбия жараёнларида ўзи эришган ҳаётий тажрибаси, кадриятлари ва мойилликларига асосланган ҳолда амалий фаолиятда ҳаётий муаммоларни ҳал этиш баробарида ўзининг шахсий сифатларини мустақил намоён эта олиш қобилиятлари мажмуаси деб тушуномқ лозим.

Энди бевосита “Материаллар қаршилиги” ва “Техника механикаси” фанлари мисолида муҳандис кадрлар тайёрлаш соҳасида таълим-тарбия жараёнларини янада такомиллаштиришда профессор-ўқитувчилар томонидан мавжуд педагогик муаммоларнинг инновацион ечимларини топишга ҳамда таълим олувчиларнинг фан сирларини ўзлаштиришларига йўналтирилган компетентлик талабларини компетенциявий ёндашув асосида таҳлил этамиз.

Табиийки, фан, техника ва технологиялар жадал суръатлар билан ривожланган сари рақобатга қодир